

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ИЛХОМЖОН ЮЛДАШЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА
ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.03 – Саноат иқтисодиёти
08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Умаров Илхомжон Юлдашевич

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни
ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш3

Умаров Илхомжон Юлдашевич

Совершенствование экономических механизмов развития предприни-
мательства в пищевой промышленности Республики Узбекистан33

Umarov Ilkhomjon Yuldashevich

Perfection of economic development mechanisms entrepreneurship in the
food industry of the Republic of Uzbekistan63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works67

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ИЛХОМЖОН ЮЛДАШЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА
ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.03 – Саноат иқтисодиёти
08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Иқтисод фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Iqt40 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Муфтайдинов Қиёмиддин Ҳамдамович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Гафуров Убайдулло Вахабович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қодиров Абдурашид Мажидович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Муродова Нодира Куллиевна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.03.05 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д.

Г.Ж.Аллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д. (PhD), доцент

М.А.Махкамова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси тобора кучайиб бормоқда. Мазкур жараёнга, бир томондан, дунё аҳолисининг юқори суръатлар билан ўсиши, иккинчи томондан, нархларнинг ўсиб бориши ва зарур миқдордаги озиқ-овқат ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ресурслар тақчиллигининг кучайиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти ҳисоботига кўра, «бугунги кунда дунё миқёсида одамларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилга нисбатан 50 фоизга ортиши керак. Чунки, 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 9,73 млрд. кишига етиши тахмин қилинмоқда»¹. Бу эса ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва инвестицияларни кўпайтириш йўллари излаб топишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга оид назарий-методологик муаммоларини ўрганиш ва янги ёндашувларни ишлаб чиқишга эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада озиқ-овқат соҳасига инновацияларни кенг жалб этиш, тадбиркорларни молиявий рағбатлантириш ва тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, озиқ-овқат саноатида кластерларни шакллантириш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, соҳага инвестициялар жалб этиш ва экспорт салоҳиятини ошириш, молия-кредит ва солиқлар бўйича имтиёзлар бериш борасида давлатнинг озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириш механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш мақсадида соҳага тадбиркорларни кўпроқ жалб этиш ҳамда хусусий сектор иштирокини аҳамиятли даражада кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари таркибида «...озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифа»² сифатида белгилаб берилган. Бу борада тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш учун тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва муайян ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Лекин, иқтисодий механизмнинг амал қилиши талаб даражасида бўлмай, бунинг асосий сабаби сифатида бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий механизмнинг илмий жиҳатдан асосланган кўрсаткичлари ишлаб чиқилмаганлиги, иқтисодий омилларнинг таъсирига оид миқдорий таҳлил усулларига асосланган баҳолаш натижаларининг етарли эмаслигини кўрсатиш мумкин. Хусусий сектор вакиллари озиқ-

¹ FAO - 2017. The future of food and agriculture – Trends and challenges. Rome.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – www.uza.uz

овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга киритаётган сармоялари ҳажми сезиларли даражада кўпаймай, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам талабдан ортда қолмоқда ва бунинг таъсирида бозор нархлари ўсишда давом этмоқда. Ишлаб чиқариш ресурсларини оптимал тақсимлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш зарур шарт-шароитларини яратиш микдорий жиҳатдан асосланган кўрсаткичлар тизимини ўз ичига олувчи йўриқнома яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ҳолат мавзунинг бугунги кунда ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга долзарб тадқиқот мавзуси эканлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сонли «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги, 2016 йил 18 февралдаги ПҚ-2492-сонли «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Food and

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.devex.com/organizations/food-and-agriculture-organization-of-the-united-nations-fao-44117>; <http://blogs.worldbank.org/developmenttalk/domass-media-affect-global-agricultural-and-food-policies>; <http://www.fao.org/3/a-i6583e.pdf>; OECD/FAO (2018), OECD-FAO Agricultural Outlook 2018-2027, OECD Publishing, Paris/ Food and Agriculture Organization of the United Nations, Rome. <https://www.oecd-ilibrary.org/agriculture-and-food/oecd-fao-agricultural-outlook-2018-2027-agr-outlook-2018-en>; <https://www.arec.umd.edu/undergraduate/minor/resource-and-agricultural-policy-economic-development>; <https://ageconsearch.umn.edu/bitstream/7496/1/edc87-04.pdf>; <https://www.perc.nl/sites/default/files/registration%20seminar%20Niek%20Koning.pdf>; L.Kain. Entrepreneurship in the food industry. 1972-2000 AD. Journal of food distribution Research. September 72. – P. 28.; Павленко Н.Е. Экономический механизм эффективного развития сельского хозяйства: монография. 2010. – 512 с.; Роберт Шер. Сильный средний бизнес: Как справиться с семью основными препятствиями роста. // Mighty Midsized Companies. How Leaders Overcome 7 Silent Growth Killers. –М.: Альпина Паблишер, 2016. – 248 с.; Солодилова Н.З., Маликов Р.И. и др. О новых подходах к методологическому обеспечению эффективной предпринимательской политики в муниципальных образованиях. // Экономика и управление. 2013. – № 4. – С.14-19. ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

Agriculture Organization (FAO), World Bank Group, Organization for Economic Cooperation and Development (OECD), International Food Policy Research Institute (IFPRI), Food and Agricultural Policy Institute (FAPRI), Innovation in food sector SMEs (UK) каби нуфузли халқаро ташкилотларининг илмий тадқиқот гуруҳлари, Wageningen University (Нидерландия), World Intellectual Property Organization (Швейцария), Institute of World Development (Хитой), Саноат сиёсати ва институционал ривожланиш институти (Россия), ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» иқтисодий тадқиқотлар маркази, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Жаҳонда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга оид бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: озиқ-овқат саноатининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳолининг турмуш даражаси сифатини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари асослаб берилган (Organization for Economic Cooperation and Development); озиқ-овқат саноатининг инновацион самарадорлигини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (World Intellectual Property Organization, Швейцария); озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни молиявий рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилган (Саноат сиёсати ва институционал ривожланиш институти, Россия); озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол меъёрлари ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида озиқ-овқат саноати кооперациясининг кенгайтиришга таъсир кўрсатиши ўрганилган (Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Ўзбекистон); иқтисодиётнинг озиқ-овқат тармоқларида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, уларни модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш эвазига унинг рақобатбардошлигини ошириш ўрганилган (Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон).

Жаҳон миқёсида озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш; озиқ-овқат саноатида инновацион технологиялар самарадорлигини ошириш; тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда рақобат механизмини такомиллаштириш; озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда стандартлаштириш ва экспорт-импорт қоидаларини енгиллаштириш; аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг илмий асосларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини илмий-методологик жиҳатдан тадқиқ этишга бир қатор хорижлик олим: С.Джанков, М.Десаи, Р.Деннис, Т.Оваска, Ж.Робинсон, А.Смит, Ж.Сэй, Р.Хизрич,

Й.Шумпетер, С.Кая, Р.Капоне, Р.Барренар, Л.Каин, С.Неги, Б.Ловдер⁴ ларнинг илмий изланишлари бағишланган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари С.Бегеретова, О.Гогб, В.Денисов, Г.Зинчук, А.Кульман, Е.Киселева, М.Кисель, Г.Сеялова, А.Тихонов, А.Челенко, Д.Ходос, Н.Е.Павленко⁵ ларнинг тадқиқотларида кенг баён этилган.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг умумий муаммоларини ўрганиш масалалари маҳаллий олимлардан Б.Беркинов, У.Ахмедов, С.Гуломов, В.Шепелев, М.Турсунходжаев, И.Бобоев, Н.Зиявутдинова, О.Исмаилов, Н.Махмудов, А.Қодиров, Қ.Муфтайдинов, Н.Муродова, У.Ғафуров, Р.Ғайбуллаев, Б.Носиров, Н.Сотволдиев, А.Абдуллаев⁶ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида атрофлича кўриб чиқилган.

⁴ Djankov S. and Shifler A. (2001) The Regulation of Entry, *Quarterly Journal of economics*, 117, – P. 1-35; Desai M. (2003) Institutions, Capital Constraints, and Entrepreneurial Firm Dynamics: Evidence from Europe, *Harvard NOM Research* – P.59.; Dennis R. (2018) Between the farm gate and the dinner plate: motivations for industrial change in the processed food sector, *Ohio State University, United States*, – P. 121-124; Ovaska T. (2004) Entrepreneurship in Post-Socialist Economies, *West Virginia University, Department of Economics Working Paper*, 6; Robinson J. (2002) Social and Institutional Barriers to Market Entry; Фридман Д.Ж. Петти В., Смит А., Рикардо Д. Сочинения // Классика экономической мысли. – М.: ЭКСМО Пресс, 2000. – 164 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс. 1985. – 159 с.; S.Kaya, Y.Ucdogruk (2002) The Dynamics of Entry and Exit in Turkish Manufacturing Industry, *ERCW Paper*, September; Capone R.(2014) Food Economic Accessibility and Affordability in the Mediterranean Region: an Exploratory Assessment at Micro and Macro Levels // *Journal of Food Security*. –vol. 2. –No. 1. – P. 1-12.; Barrenar R. (2015) An analysis of the decision structure for food innovation on the basis of consumer age // *International Food and Agribusiness Management Review*, 18(3), – P. 149-170, Jarvis L.Kain. Entrepreneurship in the food industry. 1972-2000 AD. *Journal of food distribution Research*. September 72. – P. 28.; Negi, S. (2013). Food Processing Entrepreneurship for Rural Development: Drivers and Challenges. *Ecology, Economy & Ethics*, – P. 186-197; Lowder B.V. Choosing a methodology for entrepreneurial research: a case for qualitative research analysis in the study of entrepreneurial success factors. 2009.

⁵ Бегеретова С. Организационно-экономический механизм совершенствования системы управления развитием отраслей пищевой и перерабатывающей промышленности регионального АПК: Автореф. дис. канд. экон. наук. –Майкоп. 2004. – 22 с.; Gorb O. Organizational-economic mechanism of management of food industry enterprises competitiveness // *Journal Annals of Agrarian Science* 14. 2016. – P. 191-195; Денисов В. Экономика-организационные основы при формировании рынка продовольственных товаров. – М. 2003. – 210 с.; Зинчук Г. Развитие продовольственного рынка: теория, методология, практика: Автореф. дис.. док. экон. наук. – Саранск, 2008. – 23с.; Кульман А. Экономические механизмы // Под общ. редак. – М.: Прогресс; Универс., 1993. – 92 с; Киселева Е. и др. Рынок продовольственных товаров: Учебное пособие. – М.: 2013. -144 с.; Кисель М. Совершенствование организационно-экономического механизма развития рыночных отношений в перерабатывающей промышленности АПК: Автореф. дис. канд. экон.наук. – Саратов, 2001. – 21 с.; Сеялова Г. Организационно-экономический механизм управления предприятиями. Монография. – Оренбург: 2006. – 139 с.; Тихонов А. Организационно-экономический механизм использования преимуществ промышленной интеграции в пищевой промышленности: Автореф. дис... канд. экон. наук. – Москва, 2011. – 20 с.; Чаленко А. О неопределенности термина «механизм» в экономических исследованиях. // *Капитал страны*, 2010. Ходос Д. Экономический механизм развития сельскохозяйственного производства. – Красноярск: Изд-во КрасГАУ, 2008. –234 с.; Павленко Н. Экономический механизм эффективного развития сельского хозяйства: Монография. – Белгород: 2010. – 512 с.

⁶ Беркинов Б.Б., Ахмедов У.А. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабларининг таҳлили // *Vizines-Эксперт*. – Тошкент. 2014. – №8. 47-б; Фуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: Шарк, 2002. 12- б; Шепелов В. Предпринимательство в условиях рыночной экономики // *Налогоплательщика*. – Т., 1996. – № 7, – С.7; Турсунходжаев М.и др. Производственный менеджмент: Монография, – Т.: «Фан ва технология», 2007. – 220 с.; Бобоев И.Х. Маҳаллийлаштириш асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегиясини шакллантириш (Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати тармоқлари

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқотлар ўрганилаётган муаммонинг тизимли ёндашувини акс эттирса-да, бироқ бугунги кунда мамлакат озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари етарлича ўрганиб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда. Бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг танланиши, унинг мақсади ва аниқ вазибаларини белгилаб беради.

Диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-161 «Халқаро стандартларни жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш услугиётини такомиллаштириш» мавзусидаги (2017-2020) фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий, илмий-услубий ва илмий-амалий аҳамиятга эга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари қуйидагилардан иборат:

озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини, ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, хориж тажрибасини ўрганиш;

тадбиркорликни ривожлантиришнинг илмий-методологик муаммоларини ўрганиш ва янги ёндашувларни қиёсий таққослаш;

озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ташкилий механизм ва инфратузилма фаолиятини таҳлил қилиш;

озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий механизми ва инфратузилма фаолиятини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

мисолида): Иқт. фан. ном. дис... автореф. –Т.: ЎзРФАИИ, 2008, 22-б.; Зиявутдинова Н., Ахмаджонова Г. Озиқ-овқат саноати иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2004. – №7-8. 64-65-б.; Исмаилов О.Ш. Развитие пищевой промышленности Узбекистана на инновационной основе. // Экономика региона. 2010. №3. – С. 245-249; Махмудов Н. Иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда қайта ишловчи саноатнинг роли: эмпирик таҳлил // Илм-фан ва инновацион ривожлантириш. –Тошкент, 2018. -№3, 30-36-б.; Кодиров А. Давлат-хусусий шерикчилик механизмидан фойдаланишнинг хориж тажрибаси. // Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожлантиришнинг долзарб масалалари. Халқаро илмий-амалий конференция. –Андижон.: 2019. 38-48-б.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: Иқт. фан. док. дис...–Т.: МУЎМУ, 2004. 22-б.; Муродова Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш: Иқт. фан. док. дис... автореф. –Т.: ТДИУ, 2016. 44-б.; Гафуров У. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: и.ф.д. дисс. автореф. – Т.: 2017. 96-б.; Ғайбуллаев Р. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш: Иқт. фан. док. дисс. – Т.: ЎзРФАИИ, 2005, 320-б. Носиров Б.З. Минтақавий озиқ-овқат бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг хусусиятлари (Андижон вилояти мисолида): иқт. фан. ном. дисс.. автореф. – Т.: МУЎМУ, 2004. 26-б.; Сотволдиев Н.Ж. Фарғона водийсида озиқ-овқат бозори ва унинг минтақавий фаолияти. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – № 1, 2018. январь-февраль, Абдуллаев А.Г. Озиқ-овқат саноати ривожланиши ва жойланишининг иқтисодий-географик хусусиятлари (Хоразм вилояти мисолида): Геог. фан. фал. док. автореф. – Т.: ЎЗМУ, 2017, 44-б.

озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчи ва ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва прогнозини ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат саноатида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ички фойда меъёри ва фоииз устамасининг ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсирини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг кўп омилли эконометрик моделларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми ва унинг турли мулк шаклларида фаолият юритаётган озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, қиёсий таққослаш, маълумотларни гуруҳлаш, иқтисодий-математик моделлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

озиқ-овқат саноатида маҳсулот экспорти ҳажмини кўпайтириш қиймат занжирини ривожлантириш имконини берувчи ташқи савдо воситачилиги соҳасига ихтисослашган махсус тузилмалар фаолияти орқали такомиллаштирилган;

озиқ-овқат саноатидаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини техник ва технологик жиҳозлашни рағбатлантиришда тезлаштирилган амортизация меъёрини ҳисоблашнинг кумулятив усулидан фойдаланишнинг устуворлиги асосланган;

гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг банк кредитлари фоииз ставкасининг мақбул чегарадан ошиши таъсирида молиявий ресурсларнинг етишмаган қисми «корхоналар-аро молиявий ёрдам» ҳисобига таъминланиши асосланган;

озиқ-овқат саноатидаги ишлаб чиқаришнинг яхлит ва узвий технологик жараёнини «марказий бўғин»ни ташкил этувчи йирик корхоналар ҳамда «оралиқ бўғинлар» сифатида кичик корхоналар фаолияти уйғунлигини таъминлаш орқали шакллантириш асосланган;

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш натижасида 2024 йилга қадар тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмининг турли сценарийларига асосланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган услубий ёндашувдан тадбиркорликни ривожлантириш натижаларини баҳолашда фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

озик-овқат саноати тадбиркорлигида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда уй хўжаликлари истеъмол харажатларини эконометрик моделлари таклиф этилган;

озик-овқат маҳсулотларининг келгуси даврдаги ишлаб чиқариш ҳажми ва истеъмол даражасига солиқ ставкаси, истеъмолчилар сони ва аҳоли даромадларига боғлиқлиги корреляцион таҳлил қилинган ҳамда эконометрик моделлар асосида унинг таъсирчанлик (эластиклик) коэффициентлари аниқланган;

озик-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш учун унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмини баҳолашда, солиқ ва кредит механизмларининг таъсирини аниқлашда ва келажак учун таклифлар ишлаб чиқишда фойдаланилган;

озик-овқат саноати корхоналари рақобатбардошлиги кўрсаткичлари мультипликатив натижадорлик мезони асосида такомиллаштирилган;

озик-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишга инерцион, фаол, мақсадли сценарийлар ёрдамида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмининг такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базасининг миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларининг расмий манбаларидан олинганлиги ва уларни самарали таҳлил усулларида фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига асосланганлиги билан изоҳланади. Тадқиқотдан олинган назарий ва услубий хулосалар шу тоифадаги тадқиқотлар характерига мос келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва тартибга солиш, унинг истиқболли йўналишларини тадқиқ этиш масалаларига оид махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади. Ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялар озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган комплекс дастурлар учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни маҳаллий ҳудудларда озиқ-овқат саноати тузилмаларини ривожлантиришда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишда, айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва истеъмол даражасининг прогноз параметрларини ҳисоблаш бўйича услубий кўрсатмалар ва йўриқномаларни, йўл хариталари

мажмуини ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, айрим илмий-назарий хулосалардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Саноат иқтисодиёти», «Миллий иқтисодиёт» ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» каби фанлардан ўқув-услугий мажмуалар ва дастурларни ишлаб чиқишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

озиқ-овқат саноатида қиймат занжирини ривожлантириш имконини берувчи ташқи савдо воситачилиги соҳасига ихтисослашган махсус тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш орқали маҳсулот экспорт ҳажмини кўпайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 20 ноябрдаги №5-2/20-20-3234-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижада 2019 йилда озиқ-овқат саноатида маҳсулот экспорт ҳажми 8,1 фоизга ошган;

озиқ-овқат саноатидаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини техник ва технологик жиҳозлашни рағбатлантиришда тезлаштирилган амортизация меъёрини ҳисоблашнинг кумулятив усулидан фойдаланиш бўйича таклиф “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК таркибига кирувчи «RASH-MILK PLUS» МЧЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясининг 2018 йил 20 августдаги АС/08-2174-сонли маълумотномаси). Натижада «RASH-MILK PLUS» МЧЖда амортизация усулидан фойдаланиш ҳисобига корхонанинг 30 фоизли тежалган маблағи қайта инвестициялашга сарфланган, ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга, йиллик даромади эса 360 млн. сўмга оширилишига эришилган;

гўшт ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг банк кредитлари фоиз ставкасининг мақбул чегарадан ошиши таъсирида молиявий ресурсларнинг етишмаган қисми «корхоналараро молиявий ёрдам» ҳисобига таъминланиши бўйича берилган таклиф «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК таркибига кирувчи «RASH-MILK PLUS» МЧЖ ва «JIZZAX MILK» МЧЖ фаолиятига жорий этилган («Ўзбекозиқ-овқатхолдинг» холдинг компаниясининг 2018 йил 20 августдаги АС/08-2174-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида маҳсулот сотиш ҳажмининг «RASH-MILK PLUS» МЧЖда 8,2 фоиз, «JIZZAX MILK» МЧЖда 6,5 фоиз ошишига эришилган;

озиқ-овқат саноатидаги ишлаб чиқаришнинг яхлит ва узвий технологик жараёнини «марказий бўғин»ни ташкил этувчи йирик корхоналар ҳамда «оралиқ бўғинлар» сифатида кичик корхоналар фаолияти уйғунлигини таъминлаш орқали шакллантириш бўйича таклиф «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси томонидан жорий этилган («Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясининг 2018 йил 20 августдаги АС/08-2174-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижаси-

да компания таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини яхлит ва узвий технологик жараён сифатида ташкил этиш даражаси ортган;

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш натижасида 2024 йилга қадар тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмининг турли сценарийларга асосланган прогноз параметрлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон қарори 1-иловасини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 20 ноябрдаги №5-2/20-20-3234-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларни жорий этиш натижасида 2019-2024 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини, жумладан, гўшт маҳсулотини 28 фоизга, сут маҳсулотини 26,9 фоизга ва мева-сабзавот маҳсулотларини 20 фоизга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 5 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларида 15 та илмий мақола (11 таси маҳаллий ва 4 таси хорижий журналларда), халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида 12 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий қисми кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 210 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш механизмларининг илмий-методологик назарий асослари» деб номланган биринчи бобда озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш механизмининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унга таъсир этувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари, хориж тажрибаси ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришнинг илмий-методологик муаммолари ва янгича ёндашувлар ёритиб берилган.

Илмий адабиётларда «механизм» тушунчаси ҳар хил маъноларда фойдаланилади: «тартибга солиш механизми», «давлат иштирокидаги механизм», «бошқариш механизми» каби тушунчалар фарқланади⁷. Шунингдек, озик-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми асосан ўз ичига учта тушунчалар орқали шаклланади: «механизм»⁸, «ривожланиш» ва «озик-овқат саноатида тадбиркорлик тизими тузилмаси». Иқтисодий адабиётларда «механизм» моҳияти асосан воқеа ва ходиса ёки жараёнлар боғлиқлиги асосида шаклланиб, ўзида маълум бир ҳаракатни, аниқ воқеъликни ифодалайди. Бу эса тизимлар фаолияти кетма-кетлигини аниқлайди⁹.

Иқтисодий механизм – иқтисодий жараёнда ишлаб чиқариш ресурслари ва уларни бирлаштириш усуллари йиғиндиси деб таъриф беради ҳамда ресурслар сифатида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини олиб борадиган ҳудудий birlikка тегишли бўлган ижтимоий, иқтисодий, экологик ва технологик ресурсларни назарда тутуди¹⁰.

А.Ю.Чаленко иқтисодий механизмнинг қуйидаги асосий фарқли хусусиятларини ажратиб кўрсатади¹¹: механизм ўз навбатида жараёнсиз амалга оширилмайди, чунки механизм асосан жараённинг функционал вазифасини амалга ошириш учун юзага келтирилади; механизм ўз бошқарувига эга эмас, гўё “ҳаракатсиз” ва жараённи бошқаришни кутиш ҳолатида бўлади¹²; механизмни бошқарув билан бирлаштириш - жараённинг ички мазмунини ташкил этади.

Бошқа манбаларда эса иқтисодий механизм иқтисодий қонунларни амалга оширилишини аниқлаш орқали, у ўз ичига инвестиция, молиялаштириш, молия, кредит, суғурта, зарарни қоплаш, иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда масъулият каби бир қанча давлат сиёсатининг ташкилий-иқтисодий механизмларини қамраб олади¹³.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муаллифнинг фикрича, бевосита озик-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш механизмларини қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир (1-расм).

⁷ Солодилова Н.З., Маликов Р.И. и др. О новых подходах к методологическому обеспечению эффективной предпринимательской политики в муниципальных образованиях. // Экономика и управление. 2013. – № 4. – С.14-19.

⁸ Машарипова М.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – №2, 2017. март-апрель


⁹ Умаров И.Ю. Озик-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти. // Замонавий менежментнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва материаллари тўплами. – Андижон.: АДУ, 2019 йил 15 май. 193-197-б.

¹⁰ Шишкин Д.Г., Мезенцева Е.Н. Современный уровень развития предпринимательских структур. // Российское предпринимательство. – 2012. – № 24.

¹¹ Чаленко А.Ю. О неопределенности термина «механизм» в экономических исследованиях. // Капитал страны. 2010. 25 марта. <http://www.kapital-rus.ru/articles/article/176697>.

¹² Машарипова М.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – №2, 2017. март-апрель.

¹³ Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: Инфра-М, 2011. – 512 с.



1-расм. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми¹⁴

Муаллифнинг фикрича, озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини босқичма-босқич, тизимли ва узлуксиз равишда такомиллаштириб бориш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

республикада минтақаларида озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш муаммоларини ечишга ягона мажмуа тариқасида ёндашувни таъминлаш;

жойларда озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг барча йўналишлари, уларни лойиҳалаштириш ва амалга ошириш босқичларини бошқаришда ягона тамойилни қўллаш;

¹⁴ Муаллиф ишланмаси.

озик-овқат саноатида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича инфратузилма ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

озик-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда мақсадли назоратни таъминлаш.

Юқорида келтирилган тадбиркорликнинг хўжалик механизмига берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги муаллифлик таърифи берилган: «Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий-механизми – бу иқтисодий ресурслардан ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиш жараёнларини ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг дастаклари, усуллари мажмуасидир¹⁵».

«Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ташкилий механизм ва инфратузилма фаолияти таҳлили»га бағишланган иккинчи бобда озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг ривожланишини баҳолаш усуллари, унда инвестиция сиёсати, инфратузилма тизими ҳамда унинг янги ташкилий тузилмалари фаолияти ёритилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда экспорт бозорларига кириб бориш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Лекин, экспортга маҳсулот чиқариш жараёни қишлоқ хўжалигида айрим хусусиятларга эга. Бу биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларга маҳсулот сотиш учун қанчалик даражада тайёр эканлигини белгилаб беради. Яъни, четга сотиладиган маҳсулотларни сотиш учун тижорат воситачи корхоналар фаолиятисиз экспортни ривожлантириб бўладими – деган савол кўпчиликти ўйлантирмоқда. Кузатишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда фермер хўжаликларида ҳам қайта ишловчи корхоналар томонидан ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини кучайтириш учун қиймат яратиш жараёнида “қиймат занжири”нинг энг охириги бўғини сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари экспортига ихтисослашган махсус фирма ва компанияларни ташкил этишга эҳтиёж жуда катта. Буни қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

истеъмол бозори тўғрисида ахборотнинг етишмаслиги натижасида нимани кимга ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш керак деган саволга жавоб топиш қийин бўлмоқда;

ташқи бозорларда маҳсулот сифатига бўлган талаб стандарт ва сертификат талаби кўплаб фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналар раҳбарларини ўйлантириб қўймоқда. Бу масалани ечим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортига ихтисослашган махсус фирма ва компаниялар ташкил этилиши ҳамда уларга маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш вазифаларини ҳал этиш мажбуриятини қўйиш билан ҳал қилиниши мумкин;

етиштирилган ва ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш, юклаш ва ўз вақтида бозорга етказиб бериш тегишли инфратузилма, техник

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган таърифи.

воситалар ва молиявий маблағга эга тижорат-воситачи корхоналар томонидан амалга оширилиши лозим. Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотини етиштирувчилар бундай имкониятларга эга эмаслар. Бу эса уларнинг ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва даромад олиш имкониятини чекламоқда;

тижорат воситачи компанияларни хусусий сектор иштирокида яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, хусусий сектор иштирокида ташкил этилган воситачи корхоналар бозор шароитига тез ва осон мослашувчан бўлади. Уларда фойда олиш учун мотивация кучли бўлади ва ортикча бюрократик тўсиқларсиз фаолият юритилади;

тижорат воситачи корхоналарга озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро стандартларга мослаштириш ва сертификат олиш вазифасини юклаш лозим. Сабаби, бугунги кунда стандартлаштириш ва сертификатлаш муаммоси малакали мутахассислар, маблағ, тажриба ва кўникма талаб қилади. Керакли кадрни топиш, унинг ёрдамида халқаро ташкилотлар билан сифат стандартлари ва сертификатларини олиш масаласини муҳокама қилиш ва шартнома имзолаб, ҳамкорлик қилиш воситачи корхоналар уддасидан чиқадиган иш ҳисобланади;

Ўзбекистонда транспорт логистикасидан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти учун омбор логистикасини ривожлантириш ўта муҳим. Омбор логистикасини ривожлантирмасдан туриб, экспорт ҳажмини кўпайтириб бўлмайди. Бугунги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган мева – сабзавот ва полиз экинларининг 30 фоизи уларни териб йиғиштириб олиш ва сақлаш жараёнида нобуд бўлиш эвазига йўқотилмоқда.

Муаллифнинг фикрича, озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ва унинг ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ масалаларнинг кўп омилли жараён эканлигини ҳисобга олган ҳолда тизимли баҳолаш усуллари асосида методик ёндашувлар такомиллаштирилган. С.Кайа ва Й.Усдогруклар тадқиқотида асосан Туркия иқтисодиётининг қайта ишлаш тармоқларида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини янгича методология асосида ўрганган¹⁶. Корхоналарнинг бозорга кириш ва бозордан чиқиш коэффициентларини корхоналар умумий сонига нисбатан пропорция сифатида таҳлил қилиш учун улар қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишган: фойда ҳажми, бойлик кўпайиш даражаси, ўсиш суръатлари, меҳнат унумдорлиги, ўртача иш ҳақи даражаси, реклама фаолиятининг интенсивлиги ва ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими. Уларнинг илмий ишларида олинган иқтисодий натижалари: корхоналарнинг бозорга киришида фойда ҳажми, ўсиш суръатлари, бойлик кўпайиш даражаси, ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими ижобий роль ўйнаса, бозордан корхоналар чиқишига асосан бойликнинг кўпайиш даражаси, ўсиш суръати ва ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими таъсир қилади деган фикрни билдирганлар. Шунингдек, муаллиф томонидан корхоналар фаолиятида тежамкор технологияларни қўллаш

¹⁶ Kaya, S., Ucdogruk, Y. (2002) The Dynamics of Entry and Exit in Turkish Manufacturing Industry, Middle East Technical University, Economic Research Center Working Paper, September.

асосида ишлаб чиқариш ҳажмини оптималлаштиришнинг кўп омилли модели ишлаб чиқилган¹⁷:

$$\ln(Q) = \beta_0 + \beta_1 * \ln(\text{POP}) + \beta_2 * \ln(\text{GDP}/\text{POP}) + \beta_3 * \ln(\text{Epl}) + \beta_4 * \ln(P) + \beta_5 * \ln(1 - \text{TAX}) + \beta_6 * \ln(\pi) + \mu, \quad (1)$$

бунда: Q – озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми; POP – истеъмолчилар сони; GDP/POP – аҳоли жон бошига даромади; Epl – озиқ-овқат саноати тармоғида банд бўлганлар сони; P – озиқ-овқат саноати тармоғида тайёр маҳсулотнинг нархи; TAX – озиқ-овқат саноати тармоғига белгиланган солиқ ставкаси; π – озиқ-овқат саноати тармоғидаги маҳсулотнинг нархлар индекси.

Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва уларга миқдорий баҳо берган ҳолда истеъмолни мақбуллаштиришга оид бошқа омиллар боғлиқликларига асосланган кўп омилли регрессия функцияси шакллантирилди:

$$ix = f(io, ois, fs, ini, ihd, td, itd, as), \quad (2)$$

бунда: ix - уй хўжаликлари истеъмол харажатлари; io -ЯИМнинг ўсиш суръати; ois - озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати; fs - қиска муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси; ini -истеъмол товарлар нархлари индекси; ihd - уй хўжаликларининг иш ҳақи шаклидаги даромади; td -уй хўжаликларининг тадбиркорлик ва бошқа шаклдаги даромадлари; itd - уй хўжаликларининг ижтимоий тўловлар шаклидаги даромади; as - доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати.

Тадқиқот ишида озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмига кўра таҳлил қилинганда, хорижий инвестициялар иштирокидаги барча корхоналар маҳсулотининг 80 % дан кўпроқ қисми саноат тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Саноат тармоқлари таркибида озиқ-овқат саноати 2018 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмининг 13,2 фоизини ташкил этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2007–2018 йиллар мобайнида республика ишлаб чиқариш саноати улуши жами саноат тармоқлари асосий капиталига киритилган инвестициялар миқдорига нисбатан 2007 йилда 52,4 %ни, 2018 йилда 65,9 %ни, шунингдек, озиқ-овқат саноатига киритилган инвестиция жами саноатга нисбатан 2007 йилда 5,5 %ни, 2018 йилда эса 12,8 %ни ташкил этган (1-жадвал).

Шу йиллар мобайнида саноат тармоқларига йўналтирилган умумий инвестициялар ҳажми 9,4 мартага, жумладан, озиқ-овқат саноатида 27,7 мартага ошган. Шунингдек, инобатга олиб, озиқ-овқат саноатининг барча тармоқларига хорижий инвестицияларни, чунончи, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни кучайтириш орқали капитал қайтимини ўстириш зарур.

¹⁷ Умаров И.Ю. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш ва прогноزلаш. // Иқтисодий ва инновацион технологиялар. – №2, 2017. март-апрел

2007–2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноат тармоқлари асосий капиталига киритилган инвестициялар¹⁸

Йиллар	Саноат тармоғига киритилган инвестиция, млрд. сўм.	Шу жумладан, барча манбалари бўйича умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида		
		Хорижий инвестиция	Реал секторга киритилган инвестиция	Шундан Озиқ-овқат саноатига
2007	3840,3	8,2	52,4	5,5
2008	6397,5	14,4	40,0	7,7
2009	9491,2	13,8	37,5	5,3
2010	11027,6	11,4	39,9	6,0
2011	12917,4	10,3	46,3	4,5
2012	14690,8	9,3	51,9	5,2
2013	18420,6	8,1	51,4	5,2
2014	22421	4,6	54,6	5,6
2015	26644,6	6,2	59,3	3,6
2016	15636,9	10,9	44,3	13,2
2017	21152,1	13,0	41,3	14,4
2018	35915,5	26,6	65,9	12,8

Муаллифнинг фикрича, ички инвестиция манбаи сифатида тадбиркорлик тизимида тезлаштирилган амортизация меъёрини ҳисоблашнинг кумулятив усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда фойдадан олинadиган солиқ миқдорини камайтириш усули орқали тежалган маблағ қайта инвестициялашга сарфланади. Бу усул инвестиция ва қайта инвестициялашда муҳим манба бўлиши билан бир қаторда, корхона даромадларининг ошишига ҳам олиб келади. Бугунги кунда озиқ-овқат саноатида асосий фондларнинг эскириши – 55 фоиздан кўпроғини ташкил қилади. Шу сабабли тезлаштирилган амортизация кумулятив усулини озиқ-овқат саноатига қўлланилиши асосан, жамғаришни тезлаштириш, техника тараққиётини ўстириш, маънавий эскиришдан кутиладиган зарарни камайтириш, белгиланган амортизация ажратмасини муддатидан олдин қоплаш ҳамда иқтисодий ўсишнинг қўшимча молиявий манбаларини яратишни тақозо этади.

“RASH-MILK PLUS” МЧЖнинг асосий воситаларининг тугатилиш қиймати 1 млрд. сўмни ташкил этади. Шунинг учун йиллик амортизацияни ҳисоблаётганда бошланғич қийматидан тугатилиш қиймати чегирилади. Шунингдек, тезлаштирилган амортизация сиёсатининг кумулятив усули орқали кўшилган қиймат ортиб, асосий капиталда мужассамлашган қиймати камайиб, кутиладиган молиявий йўқотишлар ҳажми камаяди.

Бу усулнинг «RASH-MILK PLUS» МЧЖ фаолиятига татбиқ этилиши натижасида кумулятив усулдан фойдаланиш ҳисобига корхонанинг 30 фоизли тежалган маблағи қайта инвестициялашга сарфланган, ишлаб чиқариш ҳажмининг 10 фоизга, йиллик даромадининг эса 360 млн. сўмга оширилишига эришилган.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

“RASH-MILK PLUS” МЧЖнинг тезлаштирилган амортизациянинг кумулятив усулда чегирмалари суммаси, минг сўм¹⁹

Йиллар	Бошланғич қиймат	Йиллик амортизация суммаси	Жамланган амортизация	Баланс қиймати
2018 йил	9456765	-	-	9456765
1 йил охири	9456765	$(5/15*8456765)=2818921,7$	2818921,7	6637843,3
2 йил охири	9456765	$(4/15*8456765)=2255137,3$	5074059,0	4382706,0
3 йил охири	9456765	$(3/15*8456765)=1691353,0$	6765412,0	2691353,0
4 йил охири	9456765	$(2/15*8456765)=1127568,7$	7892980,7	1563784,3
5 йил охири	9456765	$(1/15*8456765)= 563784,3$	8456765,0	1000000

Республика иқтисодиётининг ҳозирги шароитида тезлаштирилган амортизация усулини рағбатлантиришда куйидаги йўналишларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ: озиқ-овқат саноати тадбиркорлиги ва бошқа фан-техника тараққиётининг энг охиригги натижаларини ўзида мужассамлаштирган тармоқ турларига нисбатан; илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенгрок, ишлаб чиқариш қувватларидан тўларок ва юқори самарадорликда фойдаланаётган корхоналарга нисбатан; маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган инвестицион товарлар янги фойдаланувчиларга берилганда. Натижада асосий воситаларнинг мамлакат ичида ишлаб чиқарилиши рағбатлантирилади ҳамда республика импортида қисман машина ва асбоб-ускуналар улуши камаяди.

Учинчи боб «**Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий механизми таҳлили**» деб номланиб, унда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга таъсир этувчи омиллар, тадбиркорликни ривожлантиришнинг озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири, корхоналарнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда ички фойда меъёри ва кредит фоиз устамасининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири таҳлили, уни кўп омилли эконометрик моделлар асосида баҳолаш масалалари ёритилган.

Бугунги кунда республикамиз озиқ-овқат саноатида 14 мингдан ортик фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар 3 минг турдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда²⁰ (3-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, республикамиздаги озиқ-овқат маҳсулотларининг 35,4 фоизи «Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси, 10,1 фоизи «Ўздонмаҳсулот» компанияси, 6,1 фоизи «Ўзшаробсаноат» АЖ, 48,4 фоизи эса хусусий корхоналар ва бошқалар ҳиссасига тўғри келади. Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 2009–2018 йиллар оралиғида 7,3 баробар ошган.

Республика озиқ-овқат саноатининг мулк шаклига кўра ялпи ички ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлари 2009-2018 йиллар оралиғида «Ўздонмаҳсулот» компаниясида – 2,8 баробар, «Ўзвиносаноатхолдинг» компаниясида – 2,4

¹⁹ Корхонанинг ҳисоботлари бўйича муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 01.07.2019 йилдаги маълумотлари.

баробар, 2017-2018 йилларда «Ўзшаробсаноат» АЖ- 2,8%га, озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасида – 3,1 баробар ҳамда 2017-2018 йилларда «Ўзбекиозиковқатхолдинг» компанияси 16,4 %га, хусусий корхоналар ва бошқаларда эса 9,2 баробарга ўсган²¹.

3-жадвал

Республика озиқ-овқат саноатининг мулк шаклига кўра ялпи ички ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлари²²


Кўрсаткичлар	2009 й.	2010 й.	2013 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ҳажми, млрд.сўм.	3729,8	4917,6	9905,3	23617,2	25408,1	27256,0
%	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:						
“Ўздонмахсулот” компанияси, млрд.сўм.	805,6	968,8	1436,3	2574,3	2636,4	2752,9
%	21,6	19,7	14,5	10,9	10,4	10,1
“Ўзвиносаноатхолдинг” компанияси, млрд.сўм.	425,2	521,3	881,6	1582,4	X	X
%	11,4	10,6	8,9	6,7	X	X
“Ўзшаробсаноат” АЖ, млрд.сўм.	X	X	X	X	1615,8	1662,6
%	X	X	X	X	6,3	6,1
Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, млрд.сўм.	1074,2	1470,4	3308,4	X	X	X
%	28,8	29,9	33,4	X	X	X
“Ўзбекиозиковқатхолдинг” холдинг компанияси, млрд.сўм.	X	X	X	8289,6	8945,6	9648,6
%	X	X	X	35,1	35,2	35,4
Хусусий корхоналар ва бошқалар, млрд.сўм.	1424,8	1957,2	4279,1	11170,9	12210,3	13191,9
%	38,2	39,8	43,2	47,3	48,1	48,4

2007–2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши куйидаги тартибда ўзгарган (2-расм).

Таҳлилларга кўра, озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбати 2007–2016 йиллар оралиғида 5,8 % дан 11,2 % гача ошган, лекин 2017 йилда 9,3 %, 2018 йилда эса 6,7 %га камайган, умумий саноатга нисбати эса 9,0 %дан 20,1 %гача ошган, аммо 2017 йилда эса 16,1 %, 2018 йилда 11,9 % камайган. Бунга сабаб, ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажми 2003–2007 йилларга қараганда, 2008–2016 йиллар оралиғида 45,2 % га ёки 2018 йилда ҳам қолган йилларга нисбатан кўпайганлигидир. Жумладан, ўсиш асосан саноат ишлаб чиқариши эвазига юз берган бўлиб, бу ерда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг мутлақ ҳажми аслида камаймаган.

²¹ Умаров И.Ю. Ўзбекистон Республикасида озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳияти. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – №6, 2018. ноябрь-декабрь.

²² Умаров И.Ю. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳияти. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – № 6, 2018. ноябрь-декабрь.



2-расм. Озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий саноатга ва ЯИМга нисбатан ўсиши (% ҳисобида)²³

Муаллиф фикрича, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг иқтисодий тараққиёт кўрсаткичлари сифатида ўрганиш асосида улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи бўлиб ҳисобланади, иқтисодий ўсиш суръати ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражасини ифодаласа-да, уларнинг таъсир даражаси турличадир. Чунки, бу кўрсаткичлар мамлакатдаги ялпи талабни кучайтиради ва шу йўл билан тадбиркорлар фаолиятига билвосита таъсир кўрсатади.

Шунингдек, гўшт маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоб-китоб натижалари асосида қуйидагича кўп омилли регрессион моделга эга бўлдик:

$$\text{LN}(Q) = -38,79 + 3,87 * \text{LN}(\text{POP}) - 0,039 * \text{LN}(\text{GDP}/\text{POP}) - 0,072 * \text{LN}(\text{Epl}) - 0,033 * \text{LN}(P) - 0,14 * \text{LN}(\text{TAX}) - 0,002 * \text{LN}(\pi)$$

Муаллиф фикрича, гўшт маҳсулоти ишлаб чиқариш мультипликатив функция бўйича олинган эконометрик таҳлил натижаларига кўра, кўп ўлчовли детерминация коэффициенти (R^2) 0.996 қийматга тенг бўлиб, Фишернинг F -мезони бўйича ҳисобланган қиймати ($F_{\text{ҳисоб}} = 573,7 > F_{\text{жадвал}}$) унинг жадвал қийматидан катта эканлигини кўрсатди. Бироқ, эркин даражалар сони ва альфа 0.05 қиймат, MAPE-13,85, TIC-0,02 билан Стьюдентнинг жадвалдаги қиймати (t -мезон 2,0860 га тенг) таққосланганда, регрессия тенгламасининг қўлга киритилган 4та коэффицентлари статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ҳамда 2 та таъсир этувчи омилларнинг қиймати аҳамиятли деб топилди.

Натижада гўшт маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 4-жадвалда келтирилган ҳисоб-китоб натижалари асосида қуйидагича кўп омилли регрессион моделга эга бўлдик:

$$\text{LN}(Q) = -31,26 + 3,08 * \text{LN}(\text{POP}) - 0,089 * \text{LN}(\text{TAX})$$

Муаллиф фикрича, ушбу моделда асосан иккита омил таъсири ишончлилиги, яъни истеъмолчилар сони тўғри пропорционал, солиқ ставкаларининг ўзгариши эса тескари пропорционал эканлиги аниқланди.

²³ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистика тўплами. – Т.: 2013., Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2018 год. Ташкент 2019.

**Гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи
омиллардан энг ишончлиларининг эконометрик модели натижалари²⁴**

Метод: Энг кичик квадратлар усули

Танланма даврлар: 1999-2018

Қабул қилинган кузатишлар сони: 20

Ўзгарувчилар	Кoeffициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
Истеъмолчилар сони (LN_POP_)	3.080056	0.260127	11.84059	0.0000
Озиқ-овқат саноати тармоғига белгиланган солиқ ставкаси (LN_TAX_)	-0.089084	0.040187	-2.216731	0.0406
C	-31.25664	2.579425	-12.11768	0.0000
R ²	0.994997	Эҳтимоллик қиймати		0.000000
F-статистика	1690.500	Дарбин-Уотсон ста.		1.014390

Ушбу охириги регрессион модель бўйича Фишер мезони ($F=1690,5$; $R^2=0,995$) аниқланган. Омиларнинг таъсирчанлик (эластилик) коэффицентлари орқали t-студент мезони қийматлари омилар бўйича $t_{POP1}=11,84 > t_{TAX5}=-2,22 > t_{x_{жад}}=2,0860$ қийматидан катталашган.

Юқоридаги эконометрик модель натижларидан келиб чиққан ҳолда, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича истеъмолчилар сони ва солиқ ставкаларининг таъсири ҳамда нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун аҳоли жон бошига даромади ва солиқ ставкаларининг ўзгариши тўғри корреляцион боғланиш ҳисобига таъсир кўрсатиши аниқланган. Шунингдек, полиз ва сабзавот маҳсулотлари учун якуний моделда таъсир этувчи омилар, яъни истеъмолчилар сони ва аҳоли жон бошига даромади кўрсаткичларининг таъсири ишончли бўлган. Натижада ушбу моделга истеъмолчилар сони тўғри пропорционал ҳамда тайёр маҳсулотнинг нархи эса тескари пропорционаллиги аниқланган.

Кўриб чиқилган мулоҳазалар уй хўжаликлари истеъмол харажатларининг таркиби ва мазмунига кўра унинг истеъмол харажатлари моделини тузиш имконини беради (5-жадвал). Шунингдек, уй хўжалиги истеъмол харажатларининг 5-жадвалда келтирилган ҳисоб-китоб натижалари асосида қуйидагича кўп омилли регрессион моделга эга бўлинди:

$$LN(IX)=2,83+1,87*LN(IO)+0,28*LN(OIS)+0,156*LN(FS)-0,287*LN(1+INI)+0,86*LN(1+IND)+1,27*LN(1+TD)+0,65*LN(1+ITD)-2,459*LN(AS)$$

Муаллиф фикрича, уй хўжаликлари истеъмол харажатларининг кўпайишига асосан доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати ва истеъмол товарлари нархлари индекси таъсир кўрсатади деб таклиф этилади. Натижада истеъмол товарлари нархлари индекси 1 %га ошиши уй хўжалиги истеъмол харажатларини 0,29 %га, доимий аҳоли сонининг ўсиш суръатини 1 %га

²⁴ EViews-9.1 дастурий пакет асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

кўпайиши эса уй хўжалиги истеъмоли харажатларининг 2,46 %га ўсишига олиб келади.

5-жадвал

Уй хўжалиги истеъмол харажатларига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик модели натижалари²⁵

Метод: Энг кичик квадратлар усули

Танланма даврлар: 2003-2018

Қабул қилинган кузатишлар сони: 16

Ўзгарувчилар	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
ЯИМнинг ўсиш суръати (LN_IO_)	1.874571	1.467510	1.277382	0.2422
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (LN_OIS_)	0.279053	0.255948	1.090272	0.3117
Қисқа муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси (LN_FS_)	0.155860	0.095686	1.628868	0.1474
Истеъмол товарлари нархлари индекси (LN_1_INI_)	-	0.237113	-1.212637	0.2646
Уй хўжаликларининг иш ҳақи шаклидаги даромади (LN_1_IHD_)	0.861140	0.542438	1.587535	0.1564
Уй хўжаликларининг тадбиркорлик ва бошқа шаклдаги даромадлари (LN_1_TD_)	1.278093	0.904752	1.412645	0.2006
Уй хўжаликларининг ижтимоий тўловлар шаклидаги даромади (LN_1_ITD_)	0.652819	0.427550	1.526884	0.1706
Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати (LN_AS_)	-	2.458669	-1.282818	0.2404
C	2.833058	1.968216	1.439404	0.1932
R ²	0.699362	Эҳтимоллик қиймати		0.182333
F-статистика	2.035477	Дарбин-Уотсон		0.919860

Қолган кўрсаткичлар сезиларли даражада уй хўжалиги истеъмоли харажатларига таъсир кўрсатади. Бу кўрсаткичларни, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (OIS)ни, уй хўжаликларининг иш ҳақи шаклидаги даромади (IHD)ни, уй хўжаликларининг тадбиркорлик ва бошқа шаклдаги даромадлари (TD)нинг ҳамда уй хўжаликларининг ижтимоий тўловлар шаклидаги даромади (ITD)нинг 1 %га ошиши, уй хўжалиги истеъмоли харажатларини 0,28 %, 0,86 %, 1,27 % ва 0,65 %га камайтиради.

Гўшт маҳсулотининг талаб функцияси (Q^D) ни ва таклиф функцияси (Q^S)ни тузиб оламиз. Функцияни тузишда бир омилли эконометрик моделлардан фойдаланган ҳолда талаб функцияси (Q^D) ва таклиф функцияси (Q^S)нинг регрессия тенгласини тузиб оламиз (6-жадвал):

$$Q^D = 477,8 - 0,0064 \cdot P_2 ; \quad Q^S = 159,5 + 0,0035 \cdot P_1$$

Бу ерда: P_1 , P_2 - истеъмолчи баҳоси.

²⁵ EViews-9.1 дастурий пакет асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Гўшт маҳсулотига бўлган талаб функциясининг натижаси²⁶

Метод: Энг кичик квадратлар усули

Танланма даврлар : 2010-2018

Қабул қилинган кузатишлар сони : 9

Ўзгарувчилар	Кoeffициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
P2	-0.006416	0.002520	-2.546086	0.0383
C	477.8361	55.10186	8.671869	0.0001
R ²	0.480811	Эҳтимоллик қиймати		0.038322
F-статистика	6.482556	Дарбин-Уотсон ста.		0.615915

Агар талаб ва таклиф муносабати $Q^D = Q^S$ деб олсак, гўшт маҳсулотининг мувозанат баҳо (P_0) си аниқланади. Топилган (P_0) қийматнинг функцияларидан исталган бирига (талаб функциясига ёки таклиф функциясига) қўйиш орқали мувозанат сотув ҳажми (Q_0) аниқланади (7-жадвал).

Гўшт маҳсулотига бўлган таклиф функциясининг натижаси²⁷

Метод : Энг кичик квадратлар усули

Танланма даврлар: 2010-2018

Қабул қилинган кузатишлар сони: 9

Ўзгарувчилар	Кoeffициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эҳтимоллик
P1	0.0035207	0.001069	4.870328	0.0018
C	159.5103	19.39896	8.222622	0.0001
R ²	0.772136	Эҳтимоллик қиймати		0.001814
F-статистика	23.72009	Дарбин-Уотсон ста.		0.825136

$$477,8 - 0,0064 * P_0 = 159,5 + 0,0035 * P_0; 477,8 - 159,5 = 0,0035 * P_0 + 0,0064 * P_0,$$

$$318,3 = 0,0099 * P_0; P_0 = 32152 \text{ сўм}; Q_0 = 477,8 - 0,0064 * 32152 = 272,0 \text{ м. тонна}$$

Агар баҳо белгиланган бўлса ($P = 34000$ сўм), бу баҳони талаб функциясига қўйиш орқали талаб ҳажми, таклиф функциясига қўйиш орқали таклиф ҳажми аниқланади. Бу ерда қондирилмаган талаби ҳажми ёки ортиқча таклифи ҳажми Q^D ва Q^S ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

$$Q^D = 477,8 - 0,0064 * 34000 = 260,2 \text{ минг тонна};$$

$$Q^S = 159,5 + 0,0052 * 34000 = 336,3 \text{ минг тонна}.$$

Фарқ = 76,1 минг тонна ортиқча ишлаб чиқарилган.

Гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кредит (K) киритилганда, истеъмолчи баҳоси (P_2), ишлаб чиқарувчи (P_1)дан киритилган кредит миқдоридан кичик бўлади, яъни:

$$P_1 = P_2 + K$$

²⁶ EViews-9.1 дастурий пакет асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

²⁷ EViews-9.1 дастурий пакет асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Кредит фоизда (П) ифодаланган бўлса, қуйидаги формулалар ўринлидир:

$$P_1 = P_2 + \frac{П * P_2}{100};$$

Кредит= 22 %ни ташкил этмоқда. Ушбу кредит ставкаси бўйича талаб ва таклиф функциясини ҳисоблаб чиқамиз: яъни $Q^D = Q^S$ тенглаштирамиз.

$$Q^D = 477,8 - 0,0064 * P_2;$$

$$Q^S = 159,5 + 0,0035 * P_1 = 159,5 + 0,0035 * 1,22 * P_2 = 159,5 + 0,0043 * P_2,$$

$$477,8 - 0,0064 * P_2 = 159,5 + 0,0043 * P_2; 477,8 - 159,5 = 0,0043 * P_1 + 0,0064 * P_2$$

$$318,3 = 0,0107 * P_2; P_2 = 29748 \text{ сўм}; P_1 = 1,22 * 29748 = 36293 \text{ сўм},$$

$Q^D = 477,8 - 0,0064 * 29748 = 287,4$ м. тонна; $P_0 = 32152$ сўм; $P_2 = 29748$ сўм; $Q_0 = 272,0$ минг тонна; $Q^D = 287,4$ минг тонна. Нарх эса 2404 сўмга тушади, ишлаб чиқариш миқдори 15,4 минг тоннага ошади.

Сут ва сут маҳсулотларининг талаб функцияси (Q^D)ни ва таклиф функцияси (Q^S)ни тузиб оламиз:

$$Q^D = 468,6 - 0,028 * P_2; Q^S = 246,0 + 0,0699 * P_1$$

Бу ерда: P_1, P_2 - истеъмолчи баҳоси, яъни $Q^D = Q^S$.

$$Q^D = 468,6 - 0,028 * P_2; 468,6 - 0,028 * P_0 = 246,0 + 0,07 * P_0,$$

$$468,6 - 246,0 = 0,07 * P_0 + 0,028 * P_0; 222,6 = 0,098 * P_0;$$

Сут маҳсулотининг мувозанат баҳоси $P_0 = 2271,4$ сўм;

Сут маҳсулотини мувозанат сотув ҳажми $Q_0 = 468,6 - 0,028 * 2271,4 = 405,0$ минг тонна.

Кредит= 22 %ни ташкил этмоқда. Ушбу кредит ставкаси бўйича талаб ва таклиф функциясини ҳисоблаб чиқамиз:

$$Q^D = 468,6 - 0,028 * P_2;$$

$$Q^S = 246,0 + 0,07 * P_1 = 246,0 + 0,07 * 1,22 * P_2 = 246,0 + 0,0854 * P_2,$$

яъни $Q^D = Q^S$ тенглаштирилади.

$$468,6 - 0,028 * P_2 = 246,0 + 0,0854 * P_2; 468,6 - 246,0 = 0,0854 * P_2 + 0,028 * P_2$$

$$222,6 = 0,1134 * P_2; P_2 = 1963 \text{ сўм}; P_1 = 1,22 * 1963 = 2395 \text{ сўм}$$

$$Q^D = 468,6 - 0,028 * 1963 = 413,6 \text{ минг тонна};$$

Кредит ҳисобига сут маҳсулотининг нархи $2271,4 - 1963 = 308,4$ сўмга тушади ва сут маҳсулотининг ишлаб чиқариш ҳажми $413,6 - 405 = 8,6$ минг тоннага ошади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш фаолияти кенгаяди.

Тўртинчи боб «**Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш**»га бағишланган бўлиб, унда озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда рақобат механизмини, инновацион салоҳиятини оширишда иқтисодий механизмини такомиллаштириш ҳамда унинг истиқболлари масалалари ёритилган.

Озиқ-овқат саноатининг бугунги кундаги ҳолати иқтисодий механизмдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни тақозо этмоқда. Бунинг учун озиқ-овқат саноатида интеграция жараёнларини

ривожлантириш, корхоналарнинг технологик боғлиқлигини кучайтириш ва маҳсулот бозори билан боғлаш имкониятларини қидириб топиш ва амалиётга жорий этиш зарурият бўлиб ҳисобланади.

Интеграция жараёни дейилганда турли хил бозор субъектлари томонидан ягона бизнес жараёнлари доирасида ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш йўли билан активларни бирлаштириш тушунилади. Бу жараёнда мулкый муносабатларни тартибга солиш жараёни асосий муаммо бўлиб ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, озиқ - овқат саноатида ҳам бир нечта корхонани ягона ташкилий тузилма таркибида умумий назорат остига бирлаштириш интеграция шакли бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш соҳасида йирик корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини кучайтиришда интеграциянинг учта усули орқали кўрсатилади:

1. Вертикал интеграция, бу асосий корхона фаолиятига нисбатан турдош тармоқ корхоналари фаолият соҳасига кириб бориш.

2. Горизонтал интеграция, бу усулда корхонанинг тармоқ маҳсулот ишлаб чиқаришидаги ялпи улушини кўпайтиришни кўзда тутуди (корхонанинг тармоқ ишлаб чиқаришидаги улуши, тармоқ ишлаб чиқариш қувватларидаги улуши, тармоқ маҳсулот бозоридаги улуши).

3. Диверсификация, бу корхона раҳбарияти томонидан онгли тарзда бири бири билан функционал жиҳатдан ўзаро боғланган тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларига сармоя киритиш.

Вертикал интеграциянинг стратегик афзалликлари ва камчиликлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади. Афзалликлари: тежамкорлик борасида кўп-лаб имкониятлар юзага келади, улардан фойдаланиш кўп-лаб рақобат устунликларини келтириб чиқаради. Масалан: бошқарув тизимини яхшилаш, юклаш ва тушириш харажатларини пасайтириш, ер майдонлари ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, бозор тўғрисида маълумот йиғишга кам харажатлар қилиниши, шартномаларни имзолашга харажатларнинг қисқариши, барқарор алоқалардан наф кўриш ва х.к; вертикал интеграция маҳсулотга хомашё ва материаллар таъминотини қисқароқ муддатларда кафолатлаш, талаб қисқариб кетган даврда товарни пастроқ нархда сотиш имконини бериши керак; корхона қиймат яратиш жараёнининг катта қисми устидан назоратни қўлга киритади ва бу билан рақобатчилар олдида устунликка эга бўлади; интеграция корхонага таъминотчилар ва харидорларнинг бозор ҳокимияти босимига қарши туришга имкон беради; вертикал интеграция корхонанинг ҳар бир сарф қилган сармояси эвазига келадиган фойдани кўпайтириш шароитини яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси шароитида озиқ-овқат саноати корхоналарида интеграция жараёнини ривожлантиришда қуйидаги тамойиллар орқали асосланиши лозим (8-жадвал).

Озиқ-овқат саноатида интеграция жараёнини нафақат корхоналарнинг фаолиятини барқарорлаштириш усули, балки ишлаб чиқариш ва сотиш имкониятларини кенгайтириш йўли сифатида қараш лозим. Интеграция

жараёнида иштирок этувчи корхоналар ва тузилмаларнинг иқтисодий манфаатларининг ташкилий-иқтисодий муносабатларда уйғунлигини ва бир хил ҳимоясини таъминлаш керак.

8-жадвал

Озиқ-овқат саноатида интеграция тузилмасини яратишнинг қиёсий таъминлари²⁸

Хорижий давлатларда	Ўзбекистон учун тавсия қилинади
АҚШ агросаноат комплексида етакчи ролни озиқ-овқат саноати ўйнайди	Бугунги кунда озиқ-овқат саноатида интеграция вертикал интеграция кўринишига эга бўлиши керак
Францияда интеграция жараёни биринчи навбатда озиқ-овқат тизимига тегишли соҳаларни қамраб олган	интеграция жараёнида хомашёни қайта ишловчи корхоналарни кўпайтиришга асосий эътиборни қаратиш керак
Шимолий Европа давлатларида агросаноат мажмуида интеграция жараёнларини шакллантиришда кооперативлар иштирок этадилар ва муҳим роль ўйнайдилар	интеграция жараёнида озиқ-овқат маҳсулотлари экспортига ихтисослашган махсус тижорат воситачи компаниялар ташкил этилиши керак ва улар қиймат занжирининг охириги бўғинига айланиши керак
Япония агросаноат мажмуида интеграция жараёнларида умумий савдо компаниялари иштирок этадилар. Улар савдо-сотик фаолиятдан ташқари бошқа турдаги фаолият билан ҳам шуғулланадилар	озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан хомашё етказиб берувчи кичик корхоналарнинг молиявий қўллаб-қувватлаш дастаклари яратилиши лозим
Россияда агросаноат мажмуида интеграция жараёнлари холдинг компаниялари тузиш йўли билан амалга оширилади	қишлоқ хўжалигида кооперативларнинг сонини кўпайтириш асосида хомашё етказиб берувчиларни фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантирилиши лозим

Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари рақобатбардошлиги стратегиясини солиштириш ва уни ўзаро қиёсий таҳлил қилишда ҳар бир инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда рақобат муҳитини таъминлаш зарур. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг миллий ёки тармоқ иқтисодиётидаги ўрни ва роли, унинг ривожланиш салоҳияти, тармоқларни қуйидаги тавсифга кўра тизимга солиш улар рақобатбардошлигига объектив баҳо бериш учун озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг инновацион салоҳиятини янада оширишга уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқишни таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий механизмларни шакллантириш орқали эришилади. (3-расм).

²⁸ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

асосланиб, ишлаб чиқариш истиқболларини ўз ичига олган уч хил сценарийга мос прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. (9-жадвал).

9-жадвал

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришининг сценарий вариантлари ва прогноз кўрсаткичлари (минг тонна)³⁰

Озиқ-овқат маҳсулот турлари	Ишлаб чиқариш ҳажми (амалда)			Прогноз тури	Ишлаб чиқариш ҳажми (прогнози)				
	2016 й.	2017 й.	2018 й.		Йиллар				
					2020	2021	2022	2023	2024
Гўшт маҳсулоти	2173	2281	2417	Инерцион	2844,6	3029,8	3227,0	3437,1	3660,8
				Фаол	2668,0	2841,4	3026,0	3222,6	3432,0
				Мақсадли	2596,1	2761,8	2938,0	3125,5	3324,9
Сут маҳсулоти	9703	10084	10481	Инерцион	11056	11788	12570	13403	14291
				Фаол	11139	11876	12662	13499	14393
				Мақсадли	11288	12018	12794	13621	14501
Нон маҳсулотлари	1225	1271	1316	Инерцион	1279,9	1346,7	1417,0	1491,0	1568,8
				Фаол	1293,7	1362,0	1433,9	1509,6	1589,3
				Мақсадли	1248,1	1311,4	1377,8	1447,7	1521,0
Полиз ва сабзавотлар	13318	13528	11540	Инерцион	13654	14806	16054	17408	18876
				Фаол	12921	13948	15056	16253	17544
				Мақсадли	12479	13478	14556	15721	16979

Прогнозлар инерцион, фаол ва мақсадли вариантлар бўйича амалга оширилди. Инерцион вариантда прогноз вақт омили (t) бўйича олинади ва бошқа омилларнинг таъсирини ҳисобга олмайди.

Инерцион ишлаб чиқариш ҳажми сценарийси (1-вариант). Ушбу сценарий асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми жорий ривожланиш тенденцияларига мос ҳолда амал қилади. Унда ишлаб чиқариш ҳажмининг омил ва манбаларидаги ўзгаришлар аввалдан амал қилган даражада қолиб, маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам амалдаги даражада ривожланади.

Фаол ишлаб чиқариш ҳажми сценарийси (2-вариант). Ушбу сценарий аввалги сценарий (1-вариант)га қўшимча равишда ишлаб чиқариш ҳажми омил ва манбаларидан фойдаланиш маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ижобий тенденциясига асосланади.

Мақсадли ишлаб чиқариш ҳажми сценарийси (3-вариант). Ушбу сценарий аввалги сценарий (2-вариант)дан фарқли равишда, нодавлат сектори улушининг кескин ортиши ҳамда маҳаллий инновацион тизимнинг кенгайишига асосланади. Мазкур оптимал ишлаб чиқариш ҳажми сценарийси замирида жаҳон озиқ-овқат бозорининг жадал ривожланиши ҳисобига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортади ва улар нархининг ўсиши кузатилади. Юқоридаги сценарийлар ичида республика иқтисодиёти учун мақбули 2-вариант бўлиб, мазкур вариант асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун бугунги кунда озиқ-овқат саноати корхоналарини янги техника ва технологиялар билан қуроллантириш лозим.

³⁰ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Иқтисодий механизмга берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда ва озиқ-овқат саноати тадбиркорлиги хусусиятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги муаллифлик таърифини бериш мумкин: “Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий-механизми – бу иқтисодий ресурслардан ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиш жараёнларини ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг дастаклари, усуллари мажмуасидир”.

2. Аҳолини сифатли, кенг ассортиментли истеъмол товарлари билан узлуксиз таъминлаш ва мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини янада кенгайтириш кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, улар ташқи ва ички хусусиятларига кўра фарқланади. Бугунги кунда озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятига ресурсларнинг танқислиги ва эҳтиёжнинг чексизлиги ўз навбатида салбий таъсир кўрсатмоқда. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантириш ушбу соҳада ёқилғи ва материалларни тежашга асосланган, халқаро стандартларга мос минитехнологияларни қўллаш, ишлаб чиқаришга замонавий ускуна ва мосламаларни жорий этиш асосида амалга оширилиши зарур. Бу ўз навбатида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат даражасини оширишга, ички ва ташқи бозорда экологик тоза, маҳаллий хомашё ресурсларига асосланган рақобатбардош истеъмол товарларини кўпайтиришга ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга олиб келади.

3. Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, республикада саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида озиқ-овқат саноати тармоғининг улуши 2007 йилдаги 9,3 %дан 2018 йилга келиб 11,9 %га ошган. Бунинг сабаби, республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида озиқ-овқат саноати тармоғининг миқдор жиҳатдан ҳажми ортиб боришидир. Ушбу йўналишда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясига асосан озиқ-овқат тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ички бозорни сифатли, рақобатбардош истеъмол товарлари билан тўлдириш зарур.

4. 2003–2018 йиллар оралиғида республикада мулкчиликнинг турли шакллари бўйича фаолият кўрсатаётган озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми асосан нодавлат сектори ҳисобига ўсган. Шу сабабли республикада қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда деҳқон ва фермер хўжаликларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналарни ўзаро фойдали алоқаларини йўлга қўйиш, улар фаолиятини кенгайтириш ва рағбатлантириш зарур.

5. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг инновацион салоҳиятини янада такомиллаштириш ишлаб чиқаришда ташкилий-иқтисодий механизмларни шакллантириш эвазига эришилиши мумкин. Шу боис,

диссертацияда озиқ-овқат саноатида тадбиркорликнинг инновацион салоҳиятини оширишга йўналтирилган иқтисодий механизмларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқланган.

6. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги кўплаб иқтисодий кўрсаткичлар ва уларнинг динамик ҳолатига боғлиқ. Диссертацияда тармоқдаги ишлаб чиқариш ҳажми ва тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтишлари учун кетадиган ўртача вақт сарфини (кун) қисқартириш каби кўрсаткичларни киритиш асосида озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубини амалиётга жорий қилиш кераклиги асослаб берилган.

7. Иқтисодий ҳудудлар ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий шароитларга мос келадиган уй хўжаликлари истеъмол харажатлари моделидан фойдаланиш келажакда озиқ-овқат саноатини аниқ прогнозлар асосида барқарор ривожланишига олиб келади.

8. Рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч эканлигидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлигини баҳолаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ушбу тармоқда тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий механизмнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик маҳсулотлари рақобатбардошлиги стратегиясининг ўзаро қиёсий таҳлил натижаларига асосланиб интеграл кўрсаткичлар асосида баҳолашни амалиётини йўлга қўйиш зарур.

9. Иқтисодиётни жадал ривожлантириш шароитида қулай инвестицион муҳитни шакллантириш республикада тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Шу ўринда озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришда тезлаштирилган амортизацияни кумулятив усули ҳамда ички фойда меъёри даражаси олдиндан аниқлаш асосида молиялаштириш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

10. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини кучайтириш асосида соҳада ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мумкин. Бунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини амалга оширадиган махсус тижорат-воситачилик компанияларини ташкил этиш лозим. Уларга маҳсулотни халқаро стандартлар асосида сертификатлаш, қадоқлаш, логистика ва омбор хўжалиги хизматларини кўрсатишни вазифа қилиб белгилаш лозим. Бу ишлаб чиқарувчилар учун қийинчилик туғдирадиган вазифаларни ҳал этиш ҳамда етиштирувчи билан истеъмолчилар бозорини ўзаро боғлаб бериш муаммосини ижобий ҳал этилишига олиб келади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

УМАРОВ ИЛХОМЖОН ЮЛДАШЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ
РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ПИЩЕВОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**08.00.03 – Экономика промышленности
08.00.15 – Экономика предпринимательства и малого бизнеса
(экономические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

Тошкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером B2017.2.DSc/Iqt40.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Муфтайдинов Киёмиддин Хамдамович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гафуров Убайдулло Вахабович**
доктор экономических наук, профессор

Кодиров Абдурашид Мажидович
доктор экономических наук, профессор

Муродова Нодира Куллиевна
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация: Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в __:__ ч. на заседании разового Научного совета на основе научного совета DSc.03/30.12.2019.I.03.05 по присуждению ученой степени при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул.Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный №__). (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул.Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(протокол реестра № _____ от «__» _____ 2020 года.

Т.З. Тешабаев

Председатель разового Научного совета на основе научного совета по присуждению ученой степени д.э.н.

Г.Ж. Аллаева

Ученый секретарь разового Научного совета на основе научного совета по присуждению ученой степени, д.ф.э.н. (PhD), доцент

М.А.Махкамова

Председатель Научного семинара при разовом научном совете на основе научного совета по присуждению ученой степени, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день проблема продовольственной безопасности становится все острее в странах всего мира. На этот процесс, с одной стороны, оказывают значительное влияние высокие темпы роста населения мира, с другой стороны, рост цен и усиление дефицита ресурсов для производства необходимого количества продуктов питания. Согласно докладу Всемирной продовольственной организации, «сегодня для удовлетворения мировых потребностей в продовольствии производство должно быть увеличено на 50 процентов по сравнению с 2012 годом. Так как прогнозируется, что к 2050 году население мира достигнет 9,73 миллиарда человек»¹. Это требует пересмотра государственной политики по развитию сельского хозяйства в развивающихся странах и поиска путей увеличения инвестиций.

Сегодня ощущается потребность в изучении теоретических и методологических проблем совершенствования в промышленно развитых странах мира, экономического механизма развития пищевой промышленности и разработке новых подходов к ним. В связи с этим особое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на совершенствование механизмов реализации государственной продовольственной политики, предусматривающим широкое вовлечение инноваций в пищевую промышленность, совершенствование механизмов финансового стимулирования и регулирования предпринимателей, формирование кластеров в пищевой промышленности, обеспечение их конкурентоспособности, привлечение инвестиций в данную сферу и повышение экспортного потенциала, предоставление финансово-кредитных и налоговых льгот.

В целях значительного увеличения объемов производства продовольственной продукции в Узбекистане большое внимание уделяется вовлечению предпринимателей и значительному расширению участия частного сектора в данной сфере. В структуре основных направлений экономических реформ определено, что «нашей главной задачей является ... обеспечение продовольственной безопасности»². В целях дальнейшего совершенствования экономического механизма развития предпринимательства принимаются соответствующие нормативные документы и вносятся определенные изменения. Однако экономический механизм не находится на требуемом уровне, и основная причина этого заключается в том, что научно-обоснованные показатели экономического механизма развития предпринимательства не разработаны, результаты оценки, основанные на количественном анализе влияния экономических факторов, недостаточны. Инвестиции частного сектора в производство продовольственной продукции существенно не увеличились, объем производства отстает от спроса, в результате чего

¹ FAO - 2017. The future of food and agriculture – Trends and challenges. Rome.

² Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 28 декабря 2018 г. – www.uza.uz

рыночные цены продолжают расти. Оптимальное распределение производственных ресурсов и создание необходимых условий для повышения их эффективности требует создания руководящих принципов, включающих систему количественно обоснованных показателей. Такая ситуация определяет, что тема данного исследования является актуальной, как с научной, так и практической точки зрения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4406 от 29 июля 2019 года «О дополнительных мерах по глубокой переработке сельскохозяйственной продукции и дальнейшему развитию пищевой промышленности», ПП-4118 от 16 января 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию масложировой отрасли и внедрению рыночных механизмов управления отраслью», ПП-2492 от 18 февраля 2016 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации управления пищевой промышленностью республики» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования по совершенствованию экономических механизмов развития предпринимательства в пищевой промышленности проводятся ведущими исследовательскими центрами и высшими образовательными учреждениями мира, в том числе, научно-исследовательскими группами ведущих международных организаций, таких как Food and Agriculture Organization (FAO), World Bank Group, Organization for Economic Cooperation and Development (OECD), International Food Policy Research Institute (IFPRI), Food and Agricultural Policy Institute (FAPRI), Innovation in food sector SMEs (UK), а также Wageningen University (Нидерландия), World Intellectual

³ Обзор международных научных исследований по теме диссертации: <https://www.devex.com/organizations/food-and-agriculture-organization-of-the-united-nations-fao-44117>; <http://blogs.worldbank.org/developmenttalk/donmass-media-affect-global-agricultural-and-food-policies>; <http://www.fao.org/3/a-i6583e.pdf>; OECD/FAO (2018), OECD-FAO Agricultural Outlook 2018-2027, OECD Publishing, Paris/ Food and Agriculture Organization of the United Nations, Rome. <https://www.oecd-ilibrary.org/agriculture-and-food/oecd-fao-agricultural-outlook-2018-2027-agr-outlook-2018-en>; <https://www.arec.umd.edu/undergraduate/minor/resource-and-agricultural-policy-economic-development>; <https://ageconsearch.umn.edu/bitstream/7496/1/edc87-04.pdf>; <https://www.perc.nl/sites/default/files/registration%20seminar%20Niek%20Koning.pdf>; L.Kain. Entrepreneurship in the food industry. 1972-2000 AD. Journal of food distribution Research. September 72. – P. 28.; Павленко Н.Е. Экономический механизм эффективного развития сельского хозяйства: монография. 2010. – 512 с.; Роберт Шер. Сильный средний бизнес: Как справиться с семью основными препятствиями роста. // Mighty Midsized Companies. How Leaders Overcome 7 Silent Growth Killers. –М.: Альпина Паблишер, 2016. – 248 с.; Солодилова Н.З., Маликов Р.И. и др. О новых подходах к методологическому обеспечению эффективной предпринимательской политики в муниципальных образованиях. // Экономика и управление. 2013. – № 4. – С.14-19.

Property Organization (Швейцария), Institute of World Development (Китай), Институт промышленной политики и институционального развития (Россия), Центр экономических исследований при ТГЭУ «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана», Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, Ташкентский государственный экономический университет (Узбекистан).

